

# Мавзу: Билиш назарияси: асосий мұаммолари ва йүналишлари.



# *Режа:*

1. Билиш воқеликни инсон онгида иньикос этиш жараёни. Билишнинг объекти ва субъекти.
2. Билиш жараёнининг диалектик хусусияти. Хиссий ва мантикий билиш.
3. Ҳақиқат тушунчаси. Илмий билиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Онг ва рухият. Онг ва тил.
5. Ижтимоий онг ва унинг тузилиши. Ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги.

# Билиш нима?

- моддий оламнинг инсон онгига инъикос этиш жараёнидир, аникроғи, билиш оддий механик ҳолдаги акс этиш бўлмай, балки объектив оламдаги нарса-ходисаларнинг инсон миясида умумлаштирилган, абстрактлашган ҳолдаги, илмий тушунчалар шаклида акс этишдир.
- Дунёнинг моддийлигини ва унинг ривожланиш қонунларининг инсон онгига инъикос этишни эътироф қилиш илмий фалсафа билиш назариясининг асосидир.

# Фалсафанинг билиш назарияси асосан қуидагиларга асосланади:

- объектив олам бизнинг сезги ва тасавурларимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ундан ташқари мавжуд, объектив олам – инсон сезги ва тасавурлари манбаи;
- инсон дунё ва унинг ривожланиш қонуниятларини билиш мумкин. Инсон сезги, тасаввур ва тушунчаларида ўзига боғлиқ бўлмаган олам мазмунини инъикос эттиради.

# Билиш босқиичлари:

- Ҳиссий билиш
- Мантиқий билиш



# Хиссий билиш даражалари:

---

- Сезги
- Идрок
- Тасаввур

# Мантиқий билиш даражалари:

---

- Тушунча
- Мушоҳада
- Холоса чиқариш

# Ҳақиқат нима?

---

Билимларимизнинг  
воқеликка айнан адекват мос  
келишидир

# Хақиқат турлари:

---

- Нисбий
- Мутлок

# Илмий билим

Илмий билимнинг бир-бири билан узий боғланган, бири иккинчисини тўлдирадиган иккита даражаси мавжуд,

- уларга **эмпирик** ва **назарий** даражалар киради.

# Онтологик жихатдан ёндошишга кўра, онг

- бу табиат узок тарихий тараққиётиниңг махсули, материя эволюцияси жараёнида вужудга келган руҳий ходисаларниңг хоссаси демакдир.
- Одам онги юксак даражада тузилган материяниңг хоссасидир, ташқи олам воқеликниңг инъикосидир.
- Бу хосса материяниңг оддийдан мараккабликка, қуидан юқорига қараб ривожланиши жараёнида пайдо бўлган, онг факат инсон миясига хос бўлган инъикос жараёнидир.

# Онгнинг моҳиятини

- очиб бериш унга ҳар томонлама, яъни
- онтологик,
- гносеологик
- ижтимоий жиҳатдан ёндошмоғимиз лозим.



## ИРОДА-

- инсоннинг ўз хатти-харакатларини онгли равишда тартибга солиш ва қўзланган мақсадни амалга оширишда учрайдиган жами тўсиқлар (қўрқинч, журатсизлик, шубха)ларни енгишга бўлган қобилиятдир.
- Ирода амалий фаолият жараёнида шакланади хамда инсоннинг хамма ташки олам предметларини, хам ўз шахсий имкониятларини билишга асосланади.
- Иродани шаклантириш ва мустахкамлашда кишиларнинг амалий фаолияти, меҳнат катта ўрин тутади.

# Тафаккур

- Алоҳида тарзда тузилган материя-миянинг олий маҳсули, объектив оламнинг тушунчалари, мухокамалари, назариялари ва хоказолардаги инъикосининг фаол жараёнидир. Бошқача айтганда, тафаккур объектив оламнинг инсон миясида мавхумлашган, умумлашган, тил билан ифодаланадиган акс эттиришdir.
- Инсон онгининг тараққиётида нутқ, тил ғоят мухим ахамиятга эгадир. Тилнинг пайдо бўлиши бевосита мехнат билан узвий равишда боғлиқ. Одамнинг ўзини хам, тилини хам, ижтимоий мехнат яратади.

# ТИЛ

- тафаккур билан чамбарчас боғлиқдир.
- Инсон нутқи бўлмса, тил воситалари бўлмаса, фикрлаш ҳам бўлмайди.
- Нутқ фикрлаш қуролидир тафаккур бўлмаса нутқ, тилнинг хам бўлиши мумкин эмас.
- Тил ва тафаккур бир-бirisiz мавжуд бўлмаса хам, бироқ, улар айнан бир хил нарса эмас.
- Тафаккур-объектив реалликнинг инъикосидир, тил эса фикрни ифода этиш қуроли, уни қайд қилиш ва бошқа кишиларга етказиш, билдириш воситасидир.
- Тил факат тафаккурнинг ифодаси эмас, балки унинг таянчи ва тараққиёти қуроли хамдир.

# Ижтимоий онг

- Ижтимоий психология
- Мафкурадан иборат



# МАФКУРА

- ижтимоий гурухлар, миллатлар ва элатлар, сиёсий партиялар, оммавий харакатлар, жамоат ташкилотлари давлат хокимиятининг, ижтимоий синфларнинг манфаатларини ифодалайдиган сиёсий, хукукий, ахлоқий, диний, фалсафий каби карашларнинг системалаштирилган илмий билимлар йигиндисидир ва уларни амалга оширадиган усул ва воситалардир.

# Ижтимоий онг шакллари:

- СИЁСИЙ ОНГ - турли ижтимоий гурухларнинг давлат хокимиятига, сиёсий ташкилотларга, уларнинг жамият хаётидаги ролига, бошка давлатлар ва миллатлар билан муносабатлар ва шу кабиларга карашларнинг системалаштирилган назарий ифодасидир.

# ХУКУКИЙ ОНГ

- ижтимоий онгнинг бошка шакллари сингари кишилар ижтимоий борлигини узига хос кўринишларда акс эттиради.
- Хуқуқ ва хукукий онгни жамиятнинг иктиносидий ахволи белгилайди.
- Хукукий онг давлат томонидан белгилаган хукукий нормалар ва муносабатларга, қонунларга, суд, прокротура масалалари ва хоказаларга булган карашларнинг системалаштирилган назарий ифодасидир.

# ЭСТТЕТИК ОНГ

- ижтимоий онг шакларидан яна бири, воқеликни бадий образларда акс эттиради.
  - **САНЪАТ**-дунёни бадий ўзлаштиришнинг муҳим усусларидан хисобланиб, моддий дунёни билиш ва бадий ўзлаштиришда кишиларга кўмаклашади, хамда бадий тарбиянинг қудратли воситаси бўлиб хизмат килади.

# АХЛОКИЙ ОНГ

- ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида кишиларнинг жамиятдаги хатти-харакатлари, юриш-туришлари, яшаш нормалари, принциплари, коидалари, шунингдек, уларнинг узаро бир-бирларига хамда ижтимоий бирлашмаларига бўлган, муносабатларини ифодалайди.

● Etiboringiz uchun raxmat

